

УДК:614.8.028.4:331.4

**ПАРРАНДАЧИЛИК ФАБРИКАЛАРИДА ШОВҚИН,
ТЕБРАНИШЛАРВА ЁРИТИЛГАНЛИКНИИШЧИ ЎРИНЛАРИДА
БАҲОЛАШ**

Ортиқов Азим Ахрорович

Бухоро давлат тиббиёт институти: Ўзбекистон

Email: azim55968gmail.com

Резюме: Паррандачилик фабрикаси ва фермаларида шовқиннинг физикавий характеристикаси бажариладиган ишнинг турига, технологик жараёнларга ва уларни ишлатиш билан узвий боғлиқ. Ишчилар организмига таъсир этувчи шовқин даражаси кўпчилик манбаларда пайдо бўлади: озуқа тарқатиш жиҳози, ҳаво алмаштиргичларнинг электр двигателлари, паррандаларга ишлов берувчи ҳамда озуқа тайёрлаш цехи жиҳозларининг ишлашидан пайдо бўлади.

Калит сўзлар: шовқин, тебраниш, ёруғлик ва техник жиҳозлар.

**ОЦЕНКА ШУМА, ВИБРАЦИИ И ОСВЕЩЕНИЯ НА РАБОЧИХ
МЕСТАХ ПТИЦЕФАБРИК**

Артиков Азим Ахрорович

Бухарский государственный медицинский институт: Узбекистан

Email: azim55968gmail.com

Резюме: физическая характеристика шума на птицефабриках и фермах неразрывно связана с видом выполняемых работ, технологическими процессами и их использованием. Уровень шума, воздействующий на организм рабочих, появляется в большинстве источников: от работы установки раздачи кормов, электродвигателей воздухообменников, птицевода, оборудования кормозаготовительного цеха.

Ключевые слова: шум, вибрация, освещение и техническое оборудование.

**ASSESSMENT OF NOISE, VIBRATION AND LIGHTING IN THE
WORKPLACES OF POULTRY FARMS**

Artikov Azim Akhrorovich

Bukhara State Medical Institute: Uzbekistan

Email: azim55968gmail.com

Summary: the physical characteristics of noise in poultry farms and farms are inextricably linked with the type of work performed, technological processes and their use. The noise level affecting the body of workers appears in most sources: from the operation of the feed distribution unit, electric motors of air exchangers, poultry breeder, equipment of the forage shop.

Keywords: noise, vibration, lighting and technical equipment.

Долзарблиги: Паррандачилик фабрикаси ва фермаларида шовқиннинг физикавий характеристикаси бажариладиган ишнинг турига, технологик жараёнларга ва уларни ишлатиш билан узвий боғлиқ. Ишчилар организмига таъсир этувчи шовқин даражаси кўпчилик манбаларда пайдо бўлади: озуқа тарқатиш жиҳози, ҳаво алмаштиргичларнинг электр двигателлари, паррандаларга ишлов берувчи ҳамда озуқа тайёрлаш цехи жиҳозларининг ишлашидан пайдо бўлади.

Жондор туман «**Чинор чорва**» МЧЖ вага қарашли паррандачилик фабрикасида.

Шовқиннинг сумар йиғиндиси шуни кўрсатадики, «Шум на работе» номли 0120-01 Сан П и Н асосида саноат типдаги паррандалар цехида (жиҳозларни ишлатиш жараёни) шовқин даражаси 2,8 Дб га, витаминлар бўлимида 9,9 Дб га, озуқа тайёрлаш бўлимида 6,8 Дб га ортиқ бўлиши қайд этилди (1-жадвалга қаранг).

Она паррандалар, саноат типдаги паррандалар (жиҳозларни ўчирганда) ва озуқа тайёрлаш цехларида шовқин энергиясининг белгиланган меъёрдан ошмаганлиги кузатилди.

Шовқиннинг даражасини иш ўринларида рухсат этилган децибелдан юқорилиги саноат типдаги паррандалар, озуқа тайёрлаш цехларида белгиланган меъёрдан юқорилиги аниқланди.

1 -жадвал

Фабриканинг асосий ишлаб чиқариш цехлари ишчи ўринларида шовқин даражаси

Ишлаб чиқариш участкалари номлари	Операция номлари ва иш турлари	«Чинор чорва» МЧЖ	«Омад савдо» МЧЖ
Саноат типдаги парранда цехи	Жиҳозларни ўчирганда паррандачилар иш ўрни	74,2	78,9
Саноат типдаги парранда цехи	Жиҳозларни ишлатган жараёнда паррандачилар иш ўрни	82,8	82,9
Она паррандалар цехи	Жиҳозларни ўчирганда паррандачилар иш ўрни	72,8	78,2
Она паррандалар цехи	Жиҳозларни ишлатганда паррандачилар иш ўрни	76,2	79,5
Витаминлар бўлими	Жиҳозларни ўчирганда операторлар ишчи ўрни	74,5	76,6
Витаминлар бўлими	Жиҳозларни ишлатганда операторлар ишчи ўрни	89,9	90,4
Озуқа тайёрлаш бўлими	Транспортларга озукаларни бериш жараёнида операторлар ишчи ўрни	75,9	79,6
Озуқа тайёрлаш бўлими	Комбикормни бункерга жойлашда операторлар ишчи ўрни	86,8	85,4

Меъёрий кўрсаткич		80,0	80,0
-------------------	--	------	------

Саноат типдаги паррандалар цехида жиҳозларни ишлатганда 250, 500, 1000, 2000, 4000 ва 8000 Гц ўртача геометрик частоталарда мос равишда 0,2, 1,9, 1,4, 2,1, 1,2, ва 0,5 дБ га юқорилиги қайд этилди (2-жадвалга қаранг).

Она паррандаларни сақлаш цехида жиҳозларнинг ишлаш жараёнида 500, 1000, 2000, 4000, 8000 Гц ўртача геометрик қийматда белгиланган меъёрдан мос равишда 1,5, 2,4, 2,5, 1,3, ва 4,4 дБ га кўплиги аниқланди.

Озуқа ишлаб чиқариш цехида комбикормани бункерга жойлаш жараёнида ўртача геометрик частотани октава полосаси 500,1000,2000,400,8000 Гц бўлган шовқин энергияси белгиланган меъёрдан 4, 3, 3,7, 2,4, 1,1 ва 1,2 Дб кўпдир.

2-жадвал
Фабрика асосий цехларида ишлаб чиқариш жараёнида иш ўринларида шовқиннинг спектрал таркиби
(«Чинор чорва» МЧЖ)


Ишлаб чиқариш участкалари номлари	Операция номлари ва иш турлари	Ўртача геометрик частотаси (Гц) билан октава полосасида шовқиннинг босим даражаси (Дб)							
		63	125	250	500	1000	2000	4000	8000
Саноат типдаги парранда цехи	Жиҳозлар тўхтатилганда паррандачилар иш ўрни	72,1	74,2	69,2	69,1	69,9	67,2	69,8	59,1
Саноат типдаги парранда цехи	Жиҳозлар ишлатилган жараёнда паррандачилар иш ўрни	76,2	81,2	82,1	80,1	78,2	77,1	73,0	68,0
Она паррандалар цехи	Жиҳозлар тўхтатилганда парранда-чилар иш ўрни	62,3	66,4	76,3	71,5	69,1	69,2	68,2	66,1
Она паррандалар цехи	Жиҳозлар ишлатилганда паррандачилар иш ўрни	79,1	81,8	81,1	79,0	78,2	76,2	74,1	74,2
Витаминлар бўлими	Жиҳозлар тўхталганда операторлар иш ўрни	69,2	72,2	79,4	75,2	74,0	67,4	66,2	63,2
Витаминлар бўлими	Жиҳозлар ишлатилганда операторлар иш ўрни	76,1	79,4	81,0	84,2	86,8	84,4	82,1	79,9
Озуқа тайёрлаш бўлими	Транспортларга озуқаларни бериш жараёнида	68,4	69,6	72,0	75,1	71,8	69,5	66,6	65,1

	операторлар иш ўрни								
Озуқа тайёрлаш бўлими	Комбикормни бункерга жойлашда операторлар иш ўрни	76,4	79,5	80,0	82,1	78,0	76,7	73,1	71,2
Меъерий кўрсаткич		95	87	82	78	75	73	71	69

3-жадвал
Фабриканинг асосий ишлаб чиқариш цехларида иш бажарганда ишчи ўринларда шовқиннинг спектрал таркиби («Омад савдо» МЧЖ)

Ишлаб чиқариш участкалари номлари	Операция номлари ва иш турлари	Октава полосасининг ўртача геометрик частотаси (Гц) шовқиннинг энергия даражаси (Дб)							
		63	125	250	500	1000	2000	4000	8000
Саноат типдаги парранда цехи	Жиҳозлар тўхтатилганда паррандачилар иш ўрни	71,2	70,6	67,4	66,8	65,1	66,1	64,2	55,9
Саноат типдаги парранда цехи	Жиҳозлар ишлатилган жараёнда паррандачилар иш ўрни	74,8	81,6	82,1	79,4	75,2	75,4	72,0	69,1
Она паррандалар цехи	Жиҳозлар тўхтатилганда паррандачилар иш ўрни	63,1	65,2	76,2	72,6	69,4	68,2	67,3	65,1
Она паррандалар цехи	Жиҳозлар ишлатилганда паррандачилар иш ўрни	79,2	80,1	79,1	78,0	76,2	73,2	74,2	73,6
Витаминлар бўлими	Жиҳозлар тўхтатилганда операторлар ишчи ўрни	69,0	72,1	74,1	76,2	73,8	69,2	66,3	61,8
Витаминлар бўлими	Жиҳозлар ишлатилганда операторлар ишчи ўрни	76,0	78,6	80,0	84,9	86,8	85,6	83,1	79,7
Озуқа тайёрлаш бўлими	Транспортларга озиқаларни бериш жараёнида операторлар иш ўрни	69,0	68,1	72,6	74,2	71,9	68,6	66,8	62,8

Озуқа тайёрлаш бўлими	Комбикормни бункерга жойлашда операторлар иш ўрни	79,1	80,2	80,0	84,2	79,6	76,3	72,6	71,0
Меъёрий кўрсаткич		95	87	82	78	75	73	71	69



Витамин бўлимида транспортёрни ишлатиш жараёнида юқоридаги октава полосасида шовқин 5,2, 10,7, 10,8, 10,1, 7,9 Дб га меъёрдан юқорилиги аниқланди.

Патологик жараённи келтириб чиқарувчи хавфни олимлар таҳлил қилганда шовқин таъсиридан иш стажи билан боғлиқлиги бўйича аниқ ишончли қонуният мавжудлиги аниқланди.

Масалан, саноат типдаги паррандалар цехида иш стажи 5 йил бўлган ишчиларда касбий патологиянинг келиб чиқиши ишончилиги 0,007 тенг. Ишни 25 йил давомида давом эттирганда патология келиб чиқиш хавфи 3,45 маротабага ошиб, 0,026 ни ташкил этади.

Она паррандаларни сақлаш цехида касаллик келиб чиқиш хавфи 0.005 дан 0,021 га, яъни 3,59 маротабага, озуқа тайёрлаш цехида-3,42 баробар (0,004 дан 0,017 гача) ортади.

Шундай қилиб, «Иш жойида шовқин» номли 0120-01 СанҚваН асосида она паррандалар ва саноат типдаги паррандаларни сақлаш цехлари меҳнатини 1-даражали «хавфли» (3.1. синф), озуқа ишлаб чиқариш цехи меҳнатини 2-даражали зарарли, (3.2. синф) парранда сўйиш ва тухум саралаш цехлари меҳнатини 2 -даражали «қўйиб берадиган»(2 синф) синфга киритиш мумкин.

Фабриканинг асосий цехларида тебраниш даражасини таҳлил қилганда локал тебранишни келтириб чиқарувчи инструментларнинг мавжуд эмаслиги қайд этилди «Кўл асбоблари ва ишни ташкил қилиш учун гигиеник талаблар» номли 2.2.2.540-96 СанҚва М(4-жадвалга қаранг).

Ғиждувон туман «Омад савдо» МЧЖ га қарашли паррандачилик фермаси.

Ушбу паррандачилик фермасида ҳам шовқин энергиясининг асосий ишлаб чиқариш цехларида белгиланган меъёрдан юқорилиги қайд этилди.

Саноат типдаги паррандалар сақлаш цехи ва витамин бўлими (жиҳозлар ишлаган шароит) ҳамда озуқа тайёрлаш цехида шовқин даражаси меъёрдан паст.

4-жадвал

Фабриканинг асосий цехлари иш ўринларида тебраниш даражаси

	Ишлаб чиқариш участкалар номи	Октава полосасида ўртача геометрик частотали (Гц), тебраниш тезлиги қиймати (Дб)			
		8	16	32	63
«Чинор чорва» МЧЖ	Саноат типдаги паррандалар цехи	28,0	21,4	20,2	13,4

	Она паррандалар цехи	22,6	19,2	19,6	21,2
	Озуқа тайёрлаш цехи	45,2	41,1	42,8	44,8
	Рухсат этилган қиймат (Дб)	85	84	84	84
«Омад савдо» МЧЖ	Саноат типдаги паррандалар цехи	26,0	21,5	19,6	12,9
	Она паррандалар цехи	22,1	19,4	19,6	20,2
	Озуқа тайёрлаш цехи	46,3	42,4	42,2	48,8
	Рухсат этилган қиймат (Дб)	85	84	84	84

Шовқиннинг спектрал таркибини таҳлил қилганда 250, 500, 1000, 2000, 4000 ва 8000 ўртача геометрик частотада шовқин меъёрдан 0,1, 1,9, 1,4, 2,0, 1,3 ва 0,5 Дб га саноат типдаги паррандалар цехида кўплиги қайд этилди.

Она паррандалар цехида 500, 1000, 2000, 4000 ва 8000 ўртача геометрик частотада шовқин 1,5, 2,4, 1,3, 2,3 ва 4,3 Дб га кўплиги кузатилди.

Озуқа тайёрлаш цехида комбикормани бункерга жойлашда юқоридаги частоталарда 4,3, 3,6, 2,4, 1,1 ва 1,1 Дб га ошганлиги аниқланди.

Витамин бўлими иш ўринда юқоридаги частотада шовқин транспортёрнинг ишлаш шароитда белгиланган меъёрдан 5,3, 10,9, 10,8, 10,2 ва 7,9 Дб га ортиқчадир.

Шуни таъкидлаш жозки, ишчилар организмида патология ривожланиши хавфи билан шовқин таъсирининг иш стажига боғлиқлиги исботланди. Иш стажы 5 йил бўлганда касаллик келиб чиқиш хавфи 0,07 га, иш стажы 25 йилдан кўп бўлганда хавф 3,49 га ошиб 0,026 ни ташкил этди.

Шундай қилиб Сан ҚваМ 0141-03 «Ишлаб чиқариш муҳитида меҳнат жараёнининг оғирлиги ва кескинлиги, меҳнат шароитларининг зарарлилик ва хавфлилик кўрсаткичларининг гигиеник таснифи» номли 0141-03 сонли Сан Қ ва М асосида она паррандалар ва саноат типдаги паррандалар цехлари иш шароити 1-даражали «хавфли» (3.1. синф) озуқа тайёрлаш цехи 2 -даражали хавфли, парранда сўйиш ва тухум саралаш цехларида «қўйиб бериладиган» (2 -синф) иш шароити синфларига ажратилади.

Фабриканинг асосий цехларида тебраниш даражасида меъёрдан ошиш даражаси қайд этилмади.

Фабрикалар ишчи ўринларда ёритилганликни баҳолаш

Саноат типдаги паррандачилик фабрикаларида ишлаб чиқилган ёритилганликнинг технологик режими паррандалар тури ва ёши билан белгиланади.

Жондор туман «**Чинор чорва**» МЧЖ га қарашли паррандачилик фабрикасида парранда хоналари ёритиш учун 40-10 ВТ ли чўғли лампалар ва ЛБ-40 ва ЛБЦ-40 маркали лампалар ўрнатилган. Лампалар клеткали батареялар ўртасида бир-биридан 3,5-4,0 м. узоқликда жойлашган. Ёритилганлик режимини бошқариш учун парранда хоналарида электр ёритгичларни бошқарадиган автоматик тизимдан (МКП-1) фойдаланилади. Ташқари вақтни программалайдиган релиси мавжуд бўлган қурилмадан (УПГС) фойдаланилади. Зооветеринария талабларига мувофиқ паррандалар учун оптимал ёритилганлик 5-30 люкс бўлиши керак. Паррандалар учун мўлжалланган биноларнинг конструктив хусусиятларига кўра хоналарга табиий ёруғлик тушмаслиги керак. Фабрика ишчи ўринларида ёруғлик ҳолати текширилганда паррандалар сақланадиган хоналар иш ўринларида ёруғлик 20 люксни, ёрдамчи хоналарда 22 люкс, санитар маиший хоналарда 16 люксни ташкил этади ҚМҚ 01.05.98 «Табиий ва сунъий ёритилганлик» меъёри асосида ёритилганлик ишнинг тоифасига биноан 75 люксдан белгиланиши керак.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, паррандачилик фабрикасида меҳнат жараёни паст ёритилганлик шароитида амалга оширилади.

Ғиждувон «**Омад савдо**» МЧЖ га паррандачилик фермаси.

Фермада 40-100 вольтли чўғ лампа ва ЛБ-40, ЛБЦ-40 маркали люменциент лампалар ўрнатилган. Фермада ёритилганликни текширганда паррандаларни парваришlash хоналарида ёритилганлик 24 люкс, ёрдамчи хоналарида 25 люкс, санитар-маиший хоналарда 21 люксни ташкил этади ҚМҚ 01.05.98 «Табиий ва сунъий ёритилганлик» асосида ишнинг тоифасига қараб 75 люксдан бошланиши керак.

Табиий ёруғлик паррандахоналарга тушмайди. Демак, ушбу паррандачилик фермасида ҳам ишлаб чиқариш жараёни паст ёритилганлик шароитида амалга оширилади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, ўрганилган Жондор «Чинор чорва» маъсулияти чекланган жамиятига ва Ғиждувон «**Омад савдо**» маъсулияти чекланган жамиятига қарашли паррандачилик фабрикаси ва фермасида иш шароити табиий ёруғлик бўлмаган ва сунъий ёруғликнинг паст ҳолатда амалга оширилади. Ёруғлик кучи ёруғлик жадаллигининг мос равишда 15-20 ва 18-19 люкс бўлганда 8 соатгача қисқаради. Шунинг учун паррандачи - операторларнинг иш шароит 2-даражали «Зарарли» (3.2. синф), озуқа тайёрлаш, тухум саралаш, парранда сўйиш цехларини 2-даражали «қўйиб берадиган» иш шароити синфларига киритилди.

Ёритилганлик даражаси асосида паррандачи-операторлар иш шароити 1-даражали «Зарарли» (3.1- синф), озуқа тайёрлаш, тухум тайёрлаш, парранда

сўйиш цехлари 2-даражали, «қўйиб берадиган» меҳнат шароити синфига киритилади.

Хулоса қилиб шуни такидлаш керакки паррандачилик фабрикалари ва фермаларида шовқин ва ёритилганлик гигиеник аҳамиятга эга. Айниқса касбий ва умумий касалликларни келтириб чиқаришда муҳим ўринни эгаллайди. Шу мақсадда паррандачилик ферма ва фабрикаларида шовқин ва ёритилганлик даражасини меъёрлаштиришни талаб қилади.

Фойданилган адабиётлар

1. Ortikov A.A. Some hygiene issues according to the conditions of the workers of poultry farms // Asademicia an International Multidisciplinary Research Journal.Vol.11, Issue 3, -2021. –с 1274- 1279
2. Ortikov A.A. environmental and hygienic condition and estimation of the working conditions of workers of poultry farming economy// central asian journal of medical and natural sciences.- 2021.issn (o):2581-6934 -С 229-234.
3. Ortikov A.A. some hygienic issues on the working conditions of poultry farm workers.// bulletin of the doctor 99 (2),- PP.74-79
4. Ortikov A.A. Peculiarities of Agricultural Workers// central asian journal of medical and natural sciences.// Special issue in Covid-19-2021. –С 266-269.
5. Ortikov A.A. poultry farm as a source of environmental pollution// asademicia An International Multidisciplinary Research //Journal.Vol.11,Issue 11, -2021. С-554-558.
6. Zhumaeva Aziza Askarovna.Hygienic assessment of the movement of the insecticide seller in the soil layer// 50-55
7. Искандаров А. Гигиена труда, профессиональный риск и функциональное состояние организма женщин, занятых на трикотажных производствах Узбекистана и разработка мер профилактики. – 2019.7. Central Asian Journal of Medical and Natural Science 2 (1), - 2021. 46-56
8. A.A. Zhumaeva. Hygienic aspects of labor safety in industrial carpet weaving production// 2023. 64-69
9. А.А. Жумаева.Гигиеническая оценка условий труда в ковроткацком производстве, разработка профилактических мероприятий//Amaliyvatibbiyotfanlariilmiyjurnali 2 (2), - 2023. 231-234.
10. A.A. Zhumaeva, N.J. Ermatov, G.F. Sherkuziyeva. Hygienic assessment of the movement of the seller of insecticide in the soil layer//Central Asian Journal of Medicine.-2021/9 № 2, 37-47.
11. А.А. Жумаева, Т.Б. Тилавов, А.А. Саидов. Гигиенические вопросы при применении инсектицида Селлер в сельском хозяйстве//TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI, 26-33

12. A.A. Jumaeva. Hygiene parameter primeneniya Insecticide Celler v selskom Khozyaystve // Mejdunarodnaya nauchno-prakticheskaya conference. Bukhara.-2020. 417-421.
13. A. A. Жумаева. Гигиена Труда В Ковроткаческой Промышленности, Прогноз И Профилактика Производственно Обусловленных Заболеваний // AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI 2 (5), 355-358
14. A.A. Zhumaeva. STUDY OF SANITARY AND HYGIENIC LABOR CONDITIONS IN CARPET PRODUCTION // EUROPEAN JOURNAL OF MODERN MEDICINE AND PRACTICE 3 (3), 65-68
15. Samandarovna S. K. IMPACT OF CLIMATE CHANGE ON LIFE ACTIVITIES // *Neo Scientific Peer Reviewed Journal* // Volume 12, ISSN (E): 2949-7752, July, 2023. Page- 31–33.
16. Самадова Х. С. РОЛЬ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ И ЭКОЛОГИИ В ОБРАЗЕ ЖИЗНИ // *Journal of new century innovations* // Volume–33, Issue-1, Iyul_2023. 2023. С. 28-30.
17. XS Самадова. ВОЗДЕЙСТВИЕ ВЫХЛОПНЫХ ГАЗОВ АВТОМОБИЛЕЙ НА ОКРУЖАЮЩУЮ СРЕДУ И ЧЕЛОВЕК // *Scientific Impulse* // Vol. 2 No 14 (2023), С 466–469.
18. Samadova Khatichabegim Samandarovna The Problem of Environmental Pollution // *Vital Annex: International Journal of Novel Research in Advanced Sciences* // –2022. – P. 81-85.
19. XS Самадова., СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИНГ АСОСИДИР // *Journal of Advanced Research and Stability*, Volume:02 Issue:09 ISep-2022 ISSN:2181-2608 С198-201
20. XS Samadova., Turli mehnat sharoitidagi omillarning inson organizmiga gigiyenik bahosi // *Ta'lim fidoyilari*, С8-11
21. Samadova X. Radioaktiv nurlarning organizmiga ta'siri // *Science and Education*. – 2022. – Т. 3. – №. 12. – С. 189-194